

«CREATIVE» жамоаси ғолиб

“Бугун китоб ўқиб ўтирган бола эртага телевизор олдида ўтирган ўнта болани бошқариши мумкин”

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Хафиза КАРИМОВА,
Тошкент шаҳар
«Bilim» ахборот-кутубхона маркази
директори

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ташкил этилган “INFOLIB UZBEKISTAN – 2019” Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида 29-30 октябрь кунлари «Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси – 2019» Республика танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Танлов Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тасарруфидаги ахборот-кутубхона марказлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим, Халқ таълими ва Маданият вазирлиги тизимидағи ахборот-кутубхона муассасаларининг мутахассислари ўртасида ўтказилди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар тизимидағи ахборот-кутубхона муассасаларидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят босқичида ғолиб бўлган жамоалар (ҳар бир жамоа 5 кишидан ташкил топган) иштирок этишди.

Танловнинг мақсади кутубхоначилик соҳасининг касбий аҳамиятини ва нуфузини янада оширишдан иборат бўлиб, Республика ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларининг касбий фазилатларини, ижодий салоҳиятини, ишбилармонлик хусусиятларини намоён қилиш, ишга бўлган ижодий ёндашувни, ахборот-кутубхона фаолияти, унинг фонди ва хизматларини тарғиб қилишнинг янги шакллари ва усувларини излашни рағбатлантириш, илғор иш тажрибасини оммалаштириш, Республика ахборот-кутубхона иши ривожланишига қўмаклашиш кабиларни ўз олдига қўйганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент шаҳридаги мавжуд барча тизим ахборот-кутубхона муассасаларидан 2-шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритган Тошкент шаҳар «Bilim» ахборот-кутубхона маркази Ахборот-технологиялари бўлими бош кутубхоначиси Анвар Сувонкулов, Тошкент Кимё-технологиялари институти Ахборот-ресурс маркази раҳбари Равшан Қодиров Лазизжон ўғли, Чилонзор тумани 103-мактаб кутубхонаси

мудири Зулфия Муҳаммадаминова, Республика Марказий кўзи ожизлар кутубхонаси Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими етакчи кутубхоначиси Фотимахон Мўминовалардан иборат «CREATIVE» жамоаси пойтахтимиз шарафини химоя қилиш мақсадида «Think positive be creative» яъни, «Позитив фикрла, ижодий ишла» шиори остида майдонга чиқдилар.



“Интилганга толе ёр” дейдилар. Ҳар бир инсон “Бу менинг қўлимдан келади!”, “Мен албатта ғалабага эришаман!” деган яхши ният билан яшаш ва фаолият олиб бориши керак. Табиийки, бу ўз-ўзидан амалга ошмайди, яхши натижалар, ютуқлар замирида тинимсиз меҳнат ва кучли билим ётади, албатта.

2 кун давом этган «Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси – 2019» Республика танловининг 1-кунида иштирокчилар биринчи шартга кўра “Китобхон мамлакат – китобхон халқ!” китоб ва китобхонликни тарғиб қилиш – замонавий ахборот-кутубхона муассасаларининг юксак вазифаси шиори остида ўз тақдимотларини намойиш этдилар.

Айниқса, Тошкент шаҳар «CREATIVE» жамоаси ўзининг ушбу шарт бўйича 2 та:

▪ “Овозли луғат” – турли ҳил ҳорижий тилларга оид сўзларнинг таржимаси овозли шаклда сақланган маҳсус мобил илова яратиш орқали базада мавжуд сўзларнинг таржимаси ва талаффузини ўрганиш, фойдаланувчи ўзига керакли бўлган сўзнинг таржи-масини қидирув йўли билан топиш имкониятини яратиш;

▪ Креатив зоналар” – ахборот-кутубхона муассасалари қошида фойдаланувчилар учун ижодий зоналар ташкил этиш, уларнинг ташаббускорлигини ривожлантириш усулларини яратиш орқали китобхонлик маданиятини ошириш ва кутубхоналарнинг жамиятдаги мавқеини орттирган ҳолда китобхонларни кутубхонага жалб қилиш мақсадидаги лойихалари билан чиқиши барчага манзур бўлди.

Иккинчи шартда иштирокчилар ўзларининг касбий маҳоратларини кўрсатиб, берилган нашрларнинг библиографик тавсифи бўйича вазифалар бажардилар. Унда иштирокчиларга далолатномалар тузиш, инвентарни ҳисобга олиш, жамланма ҳисоб-китобини тўлдириш, қайта баҳолаш ва текширишни ташкил этиш каби аҳолига ва айниқса, ёшларга самарали ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг энг муҳим йўналишларини қамраб олинган соҳа бўйича вазифалар берилганлиги ҳар бир қатнашувчини янада чуқур изланишга, ўз фаолиятига ижодий ёндашишга чорлади.

Учинчи шарт Адабий викторина бўлиб, танлов иштирокчилари маълум вақт ичida ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётга доир саволларга жавоб бериш орқали ўзининг мустақил билимини, дунёкарашини ва ўзлари қай даражада китобхон эканликларини намоён этдилар.

Якуний яъни, тўртинчи шартда танлов иштирокчиларига жамоавий тартибда “Китобсевар ёшлар – мамлакат келажаги” мавзусида ўзларининг ижодий қобилият ва истеъодлари, қизиқишлигини тўлиқ намоён этиш имконияти берилди. Унда иштирокчилар ҳажвий ва ҳазил-мутойибали театрлаштирилган мусиқий чиқишилар, ўз касбига ижодий ёндашув, актёрлик маҳорати, чет тилларини билиши ва жамоада ишлаш кўнималарини маҳорат билан тақдим этдилар.

Тошкент шаҳрининг «CREATIVE» жамоаси тўртинчи шартда ҳозирги кунда жуда кўп учрайдиган, аянчли ҳисобланган ота-онаси бўла туриб, уларни айрим сабаблар билан меҳрибонлик уйларига ташлаб кетган ёки бўлмаса оиласда ота-оналарнинг масъулиятсизлиги туфайли қаровсиз, эътиборсиз қолган, 100-200 минг сўм миқдоридаги майда ўғирлик сабаб, болалар ахлоқ тузатиш калониялари га тушиб қолган ёшларнинг аччиқ қисматини ўзида

акс эттирган “Библиотерапия” деб номланган саҳна кўриниши билан чиқдилар. Жамоадаги кутубхона ходимлари ўзининг кучли билими, тарбияси оғир ёки билиб-билимасдан жиноят кўчасига кириб қолган ёшлар кўнглига йўл топиш, улар билан ишлашнинг интерфаол шаклларини кўрсатиш билан бирга айнан ёшларнинг қийинчилигини, калониядаги оғир кунларини, афсус ва надоматларини саҳнада таъсири ҳамда актёрлик маҳорати билан намоён этиш, шунингдек, уларни мана шундай аянчли қисматдан қандай олиб чиқиб кетиш, яъни китоб, китобхонлик ва мутолаа маданиятини ошириш орқали соғлом ҳаёт тарзига қайтариш, мустақил ватанга муносиб фарзанд бўлишдек, инсоний фазилатларга етакладилар. Албатта, жамоамиз ўзининг фаоллиги, ҳамкорликда ғояни ҳаётий тарзда, таъсири ижро этганлари учун барча иштирокчиларнинг олқишиларига, маданий дам олишларига ҳамда ҳакамлар хайъатининг юксак баҳоларини қўлга киритишга эришдилар.



Ҳаяжонли дақиқалар, танлов натижалари бўйича барча шартларда фаол иштирок этган, янги инновацион ғоялари, ўз соҳасининг кучли мутахассиси ва фидойи эканлиги, нафақат кутубхона фаолиятидаги қобилияти, балки саҳнадаги актёрлик, нотиқлик санъатининг ҳам билимдонлари эканликлари билан энг юқори – 81,9 балл тўплаган Тошкент шаҳрининг «CREATIVE» жамоаси ғолибликни қўлга киритди. 1-ўринни олганларга 4 та ноутбук, 2-ўринни олган Жиззах вилояти қатнашчиларига 3 та планшет, 3-ўринни олган Андижон вилояти иштирокчиларига 5 та Bookrider (электрон китоб), шунингдек, республика танловининг ъегиши даражадаги дипломлари, сертификатлар, қимматли совгалар ва Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг эсдаликлари топширилди.

“INFOLIB UZBEKISTAN – 2019” Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида яна бир

муҳим Республика танлови – “Болалар ва ёшларни мутолаага жалб қилиш бўйича энг яхши услубий ишланма/лойиҳа” ҳам ўтказилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, АҚМлар, турли вазирлик ва идоралар ахборот-кутубхона муассасаларининг мутахассислари, докторантлар, магистрантлар ва олий ўқув юртлари талабалари ўртасида китобларни оммалаштириш ва фуқароларнинг мутолаага бўлган қизиқиши ошириш билан шуғулланадиган мутахассислар ўртасида ўтказилган мазкур танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди.



Танловнинг мақсади – жамиятда китоб ва китобхонликнинг нуфузини ошириш, китобни маънавий мерос сифатида асрар-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилган энг яхши услубий ишланма/лойиҳаларни аниқлаш ва оммалаштиришга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурган 5 муҳим ташаббус доирасида Бўка тумани марказида барпо этилган истироҳат боғи очилишига ташриф буюрган Президентимиз ёшлар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишиб болаларни боғча ёшидан, бошланғич синфлардан кичик-кичик китобларга ўргатиш, шу орқали уларни китобсевар этиб улғайтириш зарурлигини, шундагина жамиятимизда китобхонлик мухити шаклланишини таъкидлаган эдилар. Шунингдек, давлатимиз раҳбари,

илмий ёндашувлар асосида китоб ўқиш методикаси ҳамда қайси ёшда қандай асарларни ўқиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ва ўтказилган “Болалар ва ёшларни ўқишга жалб қилиш учун энг яхши методик ишланма/лойиҳа” бўйича Республика танловига “Интерфаол китоб” ва “Фойдаланувчи билан ишланшнинг интерфаол шакллари” номинациялари ўз аксини топганлиги соҳа мутахассисларини янада изланишга ва ижодий фаолият олиб боришга унади.

Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона маркази томонидан ҳам ўзларининг болалар ва ёшларни мутолаага жалб қилишининг инновацион шакллари ва усуллари, ахборот-кутубхона муассасалари фойдаланувчиларини ҳамда аҳолининг кенг қатламларини китоб ва китобхонлик фаолиятини ривожлантириш, болалар ва ёшларни мутолаага жалб қилиш соҳасида энг яхши услубий ва инновацион иш тажрибаси базасини шакллантириш, мутолаа ва китобга бўлган доимий қизиқиши ривожлантиришга қаратилган «Китобхон маҳалла» мавзусидаги лойиҳаси ишлаб чиқилди ва тақдим этилди.

Ҳакамлар хайъатининг холосасига биноан “Фойдаланувчи билан ишланшнинг интерфаол шакллари” номинацияси бўйича Тошкент шаҳар «Bilim» ахборот-кутубхона маркази ахборот-библиография бўлими мудири Венера Муратованинг “Китобхон маҳалла” лойиҳаси, “Интерфаол китоб” номинацияси бўйича эса Зулфия Сейитниязованинг “Интерфаол ўқиш” услубий ишланмаси ғолиб деб топилди. Ғолиблар ноутбук, китоб тўпламлари билан тақдирландилар.

Албатта, бу эришган натижаларимиз, нуфузли ғалаба-мукофотлар бизни қувонтирибгина қолмасдан, ўз навбатида масъулият ҳам юклайди, янада ўз устимизда ишлашга, янги-янги инновацион гояларни кўтариб чиқишга ундайди.

